

1.3. “Истеъмолчи” ўрнатилган муддатлар ичида “Таъминотчи”га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари”га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 16 ноябр кунда қабул қилинган ПК-5241-сонли “Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 29 январ 2018 йилдаги 52-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга 1 м³ учун 20 сўм маҳсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва сув чиқариш тизимига уланиш учун руҳсат этувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. “Истеъмолчи” ушбу шартномага унинг тасаруфидоғи барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эҳтиёжи ва шахар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр нусхасини тақдим қилади, “Таъминотчи”ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидаги банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Ичимлик суви билан экинларни суғориш, ховлилар, пиёдалар йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепиш ҳамда ичимлик сувида автоматизацияларни ювиш учун фойдаланиш катъиян ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви “Истеъмолчи” (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгиларни ўчириш шунингдек, ичимлик суви талаб этилаётган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган.

“Таъминотчи” нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқова сувларини “Истеъмолчи”нинг канализацион тармоқларига тўқувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш шартномасини “Истеъмолчи” билан тасдиқланган “Қоидаларга” мувофиқ тузадилар.

2.4. Ҳисоблаш қурилмалари Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Аккредитация марказининг маҳсус аккредитациясидан ўтган органлар томонидан текширилган ва таъмаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб юритилади) томонидан таъмаланиши лозим.

2.5. “Истеъмолчи”га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва “Истеъмолчи” билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, “Таъминотчи” ва Бюро ходими билан биргаликда сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-каналзация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларининг уланиши “Истеъмолчи” томонидан фақат “Таъминотчи” тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар “Истеъмолчи”нинг сўровномаси асосида барча тасдиқловчи хужжатларни илова қилган ҳолда берилади. “Таъминотчи”дан олинган техник шартлар асосида, “Истеъмолчи” буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий хужжатлар асосида лойихалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойихаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши “Таъминотчи” томонидан, “Истеъмолчи” ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. “Истеъмолчи”дан лимитдан ортқича сув истеъмол қилинган ҳолатларда, “Таъминотчи” томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10.0 орттирилувчи коэффициентни қўллаш йўли билан ҳақ ундирилади.

2.10. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқова тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйидагилардан иборат:

а) сув истеъмоли учун–узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш “Истеъмолчи”нинг ички сув узатиш тизимининг бир қисминдир;

б) оқова тизими учун – магистрал оқова тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуги бўлиб, у “Истеъмолчи”нинг ички оқова тизимининг бир қисминдир. Агар чиқариш оқова қудуги магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудук сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса “Истеъмолчи”нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Истеъмолчи”нинг ҳуқуқлари: